

Кейс №4

Маълумки, қўшма корхона, бошқа ҳар қандай корхона каби, маркетинг бўлими ва маркетинг тадқиқотлари гурӯҳини ташкил қилмасдан фаолият кўрсата олмайди. Маркетинг фаолият масаласи кутиб тура олмаслиги сабабли қўшма корхона президенти иқтисодий масалалар бўйича вице-президентга корхона маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш, маркетинг бўлими бажариши лозим бўлган функцияларни ҳисобга олган ҳолда бўлим учун кадрларни танлаб олиш вазифасини топширди.

Ўз навбатида вице-президент маркетинг бўлими раҳбарига бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш, бўлим фаолияти турларини аниқлаш ва бундан келиб чиқувчи вазифаларни белгилаш вазифасини топширди:

1. Бўлимни бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш.
2. Кадрларни танлаш ва ўқитиши.
3. Маркетинг бўлимида ички фаолият турларини аниқлаш.
4. Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш, материал сарфи ва юклама харажатларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш.
5. Товар заҳиралари ва уларнинг айланмаси тезлиги, товар заҳираларини назорат қилиш усусларини таҳлил қилиш.
6. Режалаштириш ва назорат мақсадида маркетинг тадқиқотлари бюджетини ишлаб чиқиши:
 - ◆ бюджетни ишлаб чиқиши мақсадлари;
 - ◆ бюджетни тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиши;
 - ◆ қўшма корхонанинг бошқа бўлимлари билан маркетинг бўлимининг алоқаси;
 - ◆ касса бюджети ва ундан нақди пулни бошқаришда фойдаланиши.
7. Капитал харажатлар режасини баҳолаш:
 - ◆ ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига қўйилмалар ҳажми;

- ◆ капитал харажатларни режалаштириш;
- ◆ капитал қўйилмалар ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар;
- ◆ капитал харажатларни тежашни баҳолаш усуллари.

8. Корхонанинг маркетинг фаолияти ҳақида ҳисобот тузиш жараёнини ишлаб чиқиши. Вазиятли масалани қўшма корхонанинг маркетинг бўлими ва эксперtlар йиғилишида кўриб чиқиши ҳамда унинг фаолияти бўйича маркетинг тадқиқотлари асосида тавсиялар ишлаб чиқиши зарур. Вазиятни таҳлил қилиш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиши учун 24 соат вақт ажратилади.